



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шаниязова Замира Оралбаевна

PhD, Нукус инновацион институти

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 3 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a6	Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим ва таянч тармоқларидан бир сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналарини барқарор ривожлантириш, тармоқни давлат томонидан молиявий жиҳотдан қўллаб-қувватлашнинг амалиётлари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ва улардан мамлакатимиз шароитида фойдаланиш масалалари ва замонавий усуллари қўллаш методологияси хусусида фикр билдирилган.
KEYWORDS	қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, солиқ имтиёзлари, молия-кредит имтиёзлари, давлат харидлари, максимал ва минимал нархлар.

Кириш

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” қабул қилинди ва унда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, тармоқда давлат бошқаруvinинг замонавий тизимларини ривожлантириш, аграр секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялашга имкон яратувчи шарт-шароитлар ичида тармоқни давлат томонидан молиялаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Барқарор ривожланиш мақсадлари” доирасидаги 17 та глобал вазифалардан бири сифатида “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига қўмаклашиш”, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қўйиладиган талабларни сариқ, яшил ва мовий саватларга туркумлаган ҳолда тизимлаштириш ҳамда унинг мумкин бўлган максимал даражаси ва аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш, аграр секторни бюджет-солиқ, молия-кредит ва нарх каби макроиқтисодий механизмлар орқали молиялаштириш тизимини такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бугунги кунда жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу мақсадларга йирик маблағлар сарфланмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, 2015 йилда аграр секторни бевосита қўллаб-қувватлашга Хитой Халқ Республикасида 307,4, Европа Иттифоқи мамлакатларида 90,0, АҚШда 38,8, Японияда 33,5, Жанубий Кореяда

20,1, Россия Федерациясида 15,2 ва Туркияда 11,6 млрд. АҚШ долл. эквивалентида маблағлар йўналтирилган. Фермер хўжаликларини бевосита қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан сарфланган маблағларнинг уларнинг ялпи даромадида нисбатан салмоғи (Producer Support Estimate (PSE)) Швейцарияда 62,39, Норвегияда 62,03, Исландияда 56,32, Жанубий Кореяда

48,93, Японияда 43,07, Туркияда 19,82, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртача 18,92 %ни ташкил этган [1].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини имтиёзли кредитлаш, техника воситаларини имтиёзли лизинг асосида етказиб бериш, унумдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларида давлат бюджетидан молиявий қўмак ажратиш, ирригация тизимларини сақлаш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини давлат бюджетидан бевосита молиялаштириш тадбирлари қўллаб келинди. Бироқ қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос келувчи иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлиб, бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

“Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари” тушунчасининг иқтисодий категория сифатида илмий талқинига оид турли илмий ёндашувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида бу тушунчага оид қуйидаги муаллифлик ёндашувини тавсия этамиз: “Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари аграр секторда хўжалик юртишнинг умумиқтисодий қонуниятлари ҳамда давлатнинг аграр сиёсати таъсирида шаклландиган механизмлари бўлиб, субъектларнинг иқтисодий манфаатлари тизимида таъсир кўрсатиш орқалиулар фаолиятини давлат ва жамият манфаатларига мос ҳолда молиялаштириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутати”.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бош мезони сифатида - қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш орқали мамлакат озиқ-овқат

хавфсизлигини мустахкамлаш ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишни келтириш мумкин.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган аграр сиёсатни амалга ошириш учун турли дастакларни (регуляторларни) ўз ичига олган иқтисодий механизмлар қўлланилади.

Ривожланган мамлакатларнинг қуйидаги илғор тажрибаларини республикамиз шароитига мослаштириб қўллаш зарур:

- аграр секторда нархлар ва фермерлар даромадини қўллаб-қувватлаш механизми: мураккаб табиий иқлим шароитига эга фермер хўжаликларига субсидиялар ажратиш; конъюнктуравий тебранишларда бозор мувозанати ва нархлар барқарорлигини сақлаш учун давлат харид ва товар интервенцияларини амалга ошириш; минимал кафолатланган нархларни қўллаш; аграр сектор ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида товар айирбошлашда нархлар паритетини сақлаш; фермерларга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғланган ёки боғланмаган (бир гектар экин майдони ёки чорва моллари бош сонига нисб.) бевосита тўловлар тўлаш;

- аграр секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бюджет-солик ва пул-кредит механизми: соддалаштирилган ва имтиёзли солиққа тортиш механизми қўллаш; инвестицион кредитлар учун фоиз тўловларининг 50 %гача қисмини тижорат банкларига бюджетдан қоплаб бериш; асосий капитални шакллантиришга киритилган инвестицион харажатларнинг 20 %гача қисмини фермерларга бюджетдан қоплаб бериш; экинлар ва чорва моллари касалликлари, зараркунанда ва табиий офатлардан зарарларнинг бир қисмини бюджетдан қоплаб бериш; сугурта тўловларининг 50 %гача қисмини бюджетдан сугурта ташкилотларига қоплаб бериш;

- қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизми: қишлоқ ҳудудларида инфратузилмаларни ривожлантиришга қўмаклашиш; илғор тажрибалар, инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, тренинг ва маслаҳат хизматлари кўрсатишни бюджетдан молиявий қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқаришга сифат стандартларини жорий этиш ва муқобил энергия турларини қўллашни рағбатлантириш; атроф-муҳит, тупроқ ва табиий яйловлар унумдорлигини сақлаш, экин турларини диверсификациялаш дастурларини “Яшиллик тўловлари” орқали қўллаб-қувватлаш; “ақлли қишлоқ хўжалиги” ва “органик деҳқончилик юретиш”ни рағбатлантириш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича етиштириш ва уларга нарх белгилашнинг амалдаги механизми бозор иқтисодиёти тамойилларига тўлиқ мос келмайди.

Кейинги йилларда пахта хомашёси етиштириш ва қайта ишлаш жараёнига кластерларнинг жорий этилиши бу борада ташланган муҳим қадамлардан бўлди. Охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми пахта хомашёси учун ажратилган ер майдонининг 52 фоизини ташкил этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”га мувофиқ ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган бошқоқ дон интервенциясини амалга ошириш учун керакли бўлган ҳажмдан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш амалиёти жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида пахта хом ашёси ва бошқоқ дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади ҳамда пахта хом ашёси ва бошқоқ дон маҳсулотлари етиштирувчилари билан қабул қилувчилар ўртасида маҳсулот ҳажмига қараб шартнома тузиш тизими йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари билан моддий-техника ресурслари ва хизматлар нархлари ўсиши ўртасида йирик диспаратет вужудга келиб, аграр тармоқда фойда ва рентабеллик даражаси пасайиб борди.

Мамлакатимиз озиқ-овқат бозорларида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ошиб бориши ва тебраниши (волотиллиги) кузатилмоқда. Аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва нархлар тебранишининг олдини олиш мақсадида минимал ва максимал нархларни қўллаган ҳолда давлат харид ва товар интервенцияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Давлат харид интервенциялари бозорга талабдан ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кириб, уларнинг нархлари тушиб кетган ҳолларда, фермер ва деҳқонлар зарар кўрмаслиги учун киритилган минимал нархларни сақлаб туриш мақсадида бозордаги ортиқча маҳсулотларни минимал кафолатланган нархларда сотиб

олиш орқали, давлат товар интервенциялари эса бозорда тақчиллик юзга келиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари кескин кўтарилиб кетган ҳолларда, тақчилликни бартараф этиш ва максимал нархларни сақлаб туриш мақсадида захирадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да бошқоқ дон етиштиришда давлат интервенцион харидлар тизимини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан молиялаштириш механизмидан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда бошқоқ донни квота асосида бозор нархларида сотиб олиш механизмининг жорий этиш кўзда тутилган.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришда “қиска муддатли имтиёзли кредитлаш” ўрнига “фьючерс” механизмининг қўллаш мақсадга мувофиқ. Республикамизда 2021 йилнинг 3-чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси” томонидан фақатгина тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш тизимига ўтиш режалаштирилган. Қишлоқ хўжалигининг тармоқ сифатида ўзига хос хусусиятлари, айниқса, унинг табиий иқлим шарт-шароитларига боғлиқлиги, ишлаб чиқаришни юретишнинг таваккалчиликка кучли мойиллиги ва бошқа иқтисодий характердаги бир қатор омиллар тармоқни давлат томонидан молиявий ва қўллаб-қувватлаш заруратини юзга келтиради.

Тадқиқотлар қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш учун унинг мақсади, вазибалари, тамойиллари, объекти ва предмети, шакл ва усуллари, механизми, дастаклари (регуляторлари) ва устувор йўналишларини ўз ичига олган тизимли ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, аграр секторни барқарор ривожлантириш учун давлат харажатларини ошириш ва бюджет-солик сиёсатининг рағбатлантирувчи функциясида (фискал экспансиядан) унумли фойдаланиш жоиз. Жамият эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишга давлат харажатларининг оширилиши, аграр сектордаги капитал ва ишлаб чиқариш харажатларини бюджетдан қисман қоплаш, мураккаб табиий иқлим шароитга эга ва унумдорлиги паст ерларда маҳсулот етиштиришни субсидиялаш, бюджет орқали қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ва тармоқнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тахлилларнинг кўрсатишича, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида техника воситалари сонининг кескин қисқариши ва эскириш даражасининг юқорилиги натижасида аграр секторнинг механизациялашув даражаси, капитал ва фонд қайтими пасайиб, сигими ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2005-2016 йилларда қишлоқ хўжалигида (ўрмон ва балиқчиликни қўшган ҳолда) асосий фондларнинг эскириш даражаси ўртача 35,2 %, янгиланиш коэффициенти эса ўртача 9,7 %га тенг бўлди. Шу даврда асосий фондларнинг чиқиб кетиш (тугатиш) коэффициенти паст даражада (2005-2016 йилларда ўртача 3,4 %, 2016 йилда 1,9 %) қолаётганлиги ҳамон унумдорлиги паст эски техникалардан фойдаланиш давом этаётганлигини кўрсатади. Натижада 2006-2016 йилларда тармоққа киритилган ҳар бир сўмлик инвестицияларга нисбатан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 6,0 мартага (капитал қайтими кўрсаткичи), қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир сўмлик асосий фондларга нисбатан эса 2,9 мартага камайган (фонд қайтими кўрсаткичи). Шуларга мос равишда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳар бир сўмига тўғри келувчи капитал сигими 7 мартага, фонд сигими эса 3 мартага ошган [2, 285 б.].

Қишлоқ хўжалигини давлат бюджетидан бевосита қўллаб-қувватлаш даражаси ривожланган давлатлар билан таққослаганда паст даражада қолмоқда. Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиш мумкинки, аграр секторни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар орқали қўллаб-қувватлаш миқдорини ошириш ва йўналишларини кенгайтириш, шунингдек, турли имтиёз ва преференциялар кўринишидаги билвосита қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш мамлакат озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигини мустахкамлашга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган

хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги диспаратетнинг кучайиб борганлиги, давлат харид нархларининг пастлиги оқибатида аграр секторда ишлаб чиқариш рентабеллиги ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Статистик маълумотларга қараганда 2005-2016 йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида шаклланган фойдада аграр секторнинг улуши 1,5 %дан ошган эмас. Шу йиллар ичида қишлоқ хўжалигида соф фойдани сотилган маҳсулот таннархига нисбати сифатида аниқланган рентабеллик (зарарлилик) даражаси ўртача 5,7 %ни ташкил этган [2, -252 б.].

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадлари ва тўловга қобилигини қўллаб-қувватлаш учун нафақат мураккаб табиий иқлим шароитига эга ва унумдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етиштириш, балки бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига (бошоқли дон, мева-сабзавотлар, шолли ва х.к.) ҳам давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш, ерларнинг бонитет балига қараб давлат харид нархларига тузатиш коэффициентларини қўллаш, ЖСТ талабларига мувофиқ маҳсулот ҳажмига боғланган қўллаб-қувватлашдан боғланмаган, яъни бир гектар экин майдонига, чорва моли бош сонига нисбатан қўллаб-қувватлаш ва унинг бошқа турларига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Аграр секторга кредит ресурслари ва бошқа қарз маблағлари жалб этишни рағбатлантириш учун давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг пул-кредит механизмлари, яъни кредитлаш тартиби ва шартларини энгиллаштириш, имтиёзли кредитлар учун ресурсларни кенгайтириш, кредитларни қайтариш муддатини узайтириш ва фоиз тўловларининг бир қисmini тижорат банкларида давлат бюджетидан қоплаб бериш, кредит рискларини суғурталашда давлат кафолатини таъминлаш каби механизмлардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банклари кредитлари учун фоиз тўловларининг 50 %гача, асосий капитални шакллантиришга (томчилатиб сугоришни жорий этиш,

иссиқхоналар, сут-гўшт етиштиришга ихтисослашган фермалар қуриш, насли чорва моллари, техника ва технологик ускуналар сотиб олиш ва х.к.) киритилган инвестицияларнинг бир қисmini давлат бюджетидан тўғридан-тўғри қоплаб бериш, бюджет-солиқ, таркибий-инвестицион ва пул-кредит механизмларининг бошқа дастакларини қўллаш аграр секторни барқарор суръатлар билан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, аграр секторни ривожлантириш бўйича ўрта (5 йилгача) ва узоқ (10 йилгача) муддатли, ўз паспортига эга, дастурнинг мақсади ва вазибалари, асосий йўналишлар бўйича қуйи дастурлар, амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирларнинг турлари ва муддатлари, молиялаштиришнинг аниқ ҳажми ва манбалари ҳамда эришилаётган мақсадли натижалар, дастур бажарилишини баҳолашга имкон берувчи индикаторларни қамраб олган комплекс мақсадли давлат дастурларини мунтазам ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг жамият ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан энг муҳим йўналишлари сифатида қуйидагиларни тавсия этамиз: хусусий мулк ҳуқуқи ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш; бозорнинг очиклиги ва адолатли рақобатни муҳофаза қилиш; монопол ҳокимиятни чеклаш; озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг даромадлари ва нархлар барқарорлигини қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ва ресурсларни самарали тақсимлаш; бюджет орқали қўллаб-қувватлаш; имтиёзли солиққа тортиш ва имтиёзли кредитлаш; инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳозлашни қўллаб-қувватлаш; аграр сектор ва бошқа тармоқлар ўртасида товар айирбошлашда паритетни сақлаш; инфратузилма, илмий тадқиқот, ахборот-маслаҳат таъминоти ва бошқалар.

Reference:

1. Шаниязова З.О. "Awıl xojalıǵı kárxanaların mámleket tárepinen finanslastıq qollap-quwatlaw ámeliyatın jetilistiriw"// Монография. "Қарақалпақстан" босмаси – Нукус 2022.5.75 б/т, 92-бет, ISBN 978-9943-7842-0-8 www.oecd.org/agriculture/pse.
2. Н.Маҳмудов, Ё.Файзуллаев, М.Юсупов, С.Ҳомидов. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантириш омиллари ва тенденциялари. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2018, -373 б.
3. Юсупов М.С. Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2017. – 164 б.
4. Шаниязова З.О. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг молиявий қўллаб-қувватлашда хорижий давлатлар тажрибаси// "Агроиқтисодиёт" Илмий-амалий журнал. Тошкент 2021. №1. Б. 119-121 (08.00.00; №25)
5. Шаниязова З.О. Роль финансовых технологий (fintech) в финансировании сельского хозяйства//Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. Илмий журнал - Нукус 2021. №1. Б. 58-60 ISSN-2010-9075 (08.00.00; №26)
6. Шаниязова З.О. Factors influencing the contribution of agriculture to gross domestic product (gdp) in central asian countries //Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий электрон журнали «Science and education in Karakalpakstan». Нукус, 2021. №2. Б. 63-67 ISSN-2181-9203 (08.00.00; №23)
7. Шаниязова З.О. Financing agriculture and small farming enterprises in emerging economies: a preliminary study. Financial and Economic Sustainability ISSN-2181-1636 Vol. 1, Issue 2, Jun, 2021 <https://finecs.net>
8. Шаниязова З.О. Қишлоқ хўжалиги сектори учун назарий ва концепция асослари. "Агроиқтисодёт" илмий-амалий журнал- Тошкент 2021. №2. -Б. 141-143 (08.00.00; №25)
9. Шаниязова З.О. The constraints of agricultural credit and Government policy strategy I International Scientific Journal Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 288-292 Year: 2022 Issue: 11 Volume: 105
10. Шаниязова З.О. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиётини тоқомиллаштириш йўналишлари//Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборотномаси. Илмий журнал - Нукус 2022. №1. Б. 67-70 ISSN-2010-9075 (08.00.00; №26)